



# «ЖИГАРИМДАН КЕЧМАЙМАН, ЛЕКИН...»

Тахририятимизга кўринишдан олтимиш ёшни қоралаб қолган бир мўсафид кириб келди. Тушкунликка тушганлиги шундоққина афт-ангоридан билиниб турар эди. Уриндикқа оғир чўкиб, гапини нимадан бошлашини билмай бир муддат унсиз, қийналиб турди...

—Олтиариқ туманидаги Янги-қўрғон қишлоғилик, бегоқат ҳолда гап бошлади аризачи. — Ҳабибулло Қосимов бўламан. Иложсизликдан, ор-номус таллашиб келдим. Туғишган укам, жигаримнинг қилмиши, меҳрсизлиги оилам шавънига доғ туширди. Маҳалла-кўй олдида бош кўтаролмай қолдим. Адолат-ку, қарор топди. Уч марта суддан кейин, Одамлар олдида ҳижолатман, худди мөн айбдордек. Кўнглим оғрияпти...

Аризачининг каттагина аризаси, суд ҳужжатлари, маҳалла йиғини томонидан берилган маълумотномаларни кўздан кечирдик. Бу қоғозлар замирида куп ишлар, мерос талашув-тортишувлари, муаммолар, аниқроқ қилиб айтганда, катта бир оила фожиаси ётибди.

Усмонобод маҳалласидаги Фарғона номли кўча, 35-ҳовли жой. Ҳамма можаро шу ҳовли-жой эгалари, яъни ота-она вафотидан сўнг бошланган. 5 нафар ака-ука, опа-сингиллар икки тарафга бўлинишган. Ука бўлмиш, 1949 йилда таваллуд топган Мирҳалим Қосимов 1981 йилдан 1995 йилгача бошқа вилоятда яшаб, уй-жой қилган, бола-чақа орттирган. Оналари вафотидан бир ойча муқаддам—1995 йил 28 ноябрда бутунлай кўчиб келган. Меҳр кўзда, деганларидек, у анча йиллар бошқа жойда яшаб келгани учун ота-онаси ҳолидан хабар олиб, шу ҳовлига қараб турган ака бўлмиш Ҳабибуллодан бегонасираб, ёвқараш қилиб юрди. Бора-бора унинг юзига ота-она эшигини тақа-тақ ёпадиган бўлди. Пайшанба, якшанба кунлари ота-она уйда уларнинг руҳи покларини учун қуръон тиловат

қилишдан ҳам бебаҳра қолди. Ҳатто 2003 йил 7 апрел куни маст ҳолда кўчадан масчит томонга кетаётганида тўсиб олиб ҳақоратлади, уришга уринди...

Опа-сингиллар ҳам укадан кўрқиб ота жойларидан оёқларини узиб қўйишди... Иш охир-оқибат судгача етиб борди. Дастлабки суд босқичи 2004 йил 28 январда бўлиб, жигарий ишлар бўйича Олтиариқ туман суди марҳум Отабола Қосимовнинг уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини эътироф этиш хусусида қарор чиқарди. Шундан сўнг фарзандлар меросга эгалик ҳуқуқи гувоҳномадини олиш учун нотариал идорага мурожаат этишди. Опалари Ханифа ва Бувайшахонлар ўзларининг ота жойидаги мерос улушларини укалари Ҳабибулло (даъвогар)га ўз

## Муносабат

хоҳишлари билан берганини. Шунга кўра Ҳабибулло Қосимовнинг мерос ҳовлидаги улуши уч қисса бўлиб қолди. Албатта бу ука бўлмиш Мирҳалимга ёқмади.

2004 йил 20 август куни Оқуқаролик ишлари бўйича Рўстотон туманлараро судида Х. Қосимовнинг даъво аризаси кўриб чиқилди. Унга мерос ҳовли-жой ҳисобидан 2 миллион 269 минг 228 сўм ундириб бериш ҳақида суд қарори чиқди.

—Менга ота жойимнинг улуши эмас, ўз улушим керак эди, деб арзини давом эттирди Х.Қосимов. —Шунинг учун вилоят судига мурожаат этишга мажбур бўлдим.

2004 йил 11 октябрда Оқуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция босқичи суд мажлиси адолатли ажрим чиқарди. Низо атрофлича ўриштирилиб, барча ҳолатлар, гувоҳлар кўрсатмалари қонун тарозисига кўйилди. Олдинги суд қарори ўзгартирилиб, Х.Қосимовга мерос уйнинг бешдан уч қиссани натура шаклида бериш юзасидан ажрим чиқарилди.

Юқоридаги судда иш юзасидан маъруза қилган судья А.Мирзалиевнинг фикрини сўрадик.

—Кейинги вақтда бир оила фарзандлари, қариндош-уруғлар ўртасида уй-жой мерослари низосига оид ишлар жуда кўпайиб кетди, деди

—Ҳабибулло Қосимовнинг оиласига тааллуқли низо иши ҳам шулар жумласидан. Суд тўғри қарорга келди, деб ҳисоблайман. Чунки, даъвогар қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан 2004 йил 24 мартдаги ҳада шартномасига эга.

—Узимга қолса икки дунёда ҳам судлашмас эдим, деди аризачи, мерос таллашишни укам бошлади. Бизнинг ҳуқуқ ва қадримизни оёқ ости қилиб, маҳалла-кўйга шарманда қилмаганида ота жойимизнинг ҳаммасини унга яхшилиқча берар эдик. Ахир бир қориндан таллашиб тушганмиз, жигарим, ундан қиёматда ҳам воз кечгим йўқ. У шунини ўйламади, ўзига ўзи қилди. Тайёрга келиб муттаҳамлик қилишдан уялмади...

—Мени қийнаётган нарса, бизнинг бемуросалигимиздан ота-онамиз руҳи безовта бўлаётгани. Улар бизни шу мақсадда улғайтирган эдими? Мерос таллашиб охиратимизни куйдириб олмадикмикин? Одамлар, маҳалла-кўй мени тўғри тушунармикин? Ҳамма гап шунда...

Аризачига нима дейиш мумкин? Балки, у тўласича ҳақдир. Балки, укаси ҳам унчалик ёмон одам эмасдир. Буни маҳалла-кўй биледи, албатта.

Бу дунёда ҳамма ишнинг сарҳисоби бор. Яхшилиқнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам. Ҳар ким эканини ўради. Бу ёлғон дунё неъматлари ҳаммадан қўлади. Искандардай одамнинг ҳам қўли очиқ кетган. Охирги гапимиз эса шу: эй, мерос таллашиб, ютиб-ютқазган жигарлар, тўғри қилдингизми йўқми, ортингиздан ўзлашиб келаётган фарзандларингиздан сўранг, кўзларига боқинг уларнинг. Болалар алдамайди...

**Х. ЖЎРАБОВ.**